



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EISSN 2181-2187

3 (89) 2026

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:
М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
У.О. АБИДОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Д.Т. АШУРОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЪЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Б.Б. ХАСАНОВ
Д.А. ХАСАНОВА
Б.З. ХАМДАМОВ
Э.Б. ХАККУЛОВ
Г.С. ХОДЖИЕВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ NEW DAY IN MEDICINE

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

3 (89)

2026 *март*

www.bsmi.uz
https://newdaymedicine.com
E: ndmuz@mail.ru
Тел: +99890 8061882

Received: 20.02.2026, Accepted: 06.03.2026, Published: 10.03.2026

УЎК 616.832-001.31/ [612.465](#)+ 615.89

**ЎРТАЧА ОҒИР ДАРАЖАДАГИ ОРҚА МИЯ L₁ БЕЛ САТҲИДАГИ
ЖАРОҲАТЛАНИШИНИНГ ЭРТА ДАВРЛАРИДА УЧ ОЙЛИК ОҚ ЗОТСИЗ КАЛАМУШ
БУЙРАКЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Хусейнова Гулшан Хусейновна E-mail: gulshan.khuseynova@mail.ru

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш.,
А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ **Резюме**

Ушбу мақолада ўртача оғир даражадаги орқа миЯ L₁ бел сатҳидаги жароҳатланишининг эрта даврларида 3 ойлик оқ зотсиз каламушлар буйракларининг морфологик кўрсаткичлари таҳлили келтирилган.

Калит сўзлар: орқа миЯнинг L₁ бел сатҳидаги жароҳати, буйрак капсуласи, буйрак таначалари, Шумлянский Боуман капсуласи, эгри-бугри каналчалари, буйрак пўстлоқ ва мағиз қавати.

**МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ ПОЧЕК ТРЕХМЕСЯЧНЫХ БЕЛЫХ КРЫС В
РАННЕМ ПЕРИОДЕ СРЕДНЕТЯЖЕЛОГО ПОВРЕЖДЕНИЯ СПИННОГО МОЗГА НА
УРОВНЕ L₁ ПОЯСНИЧНОГО ОТДЕЛА**

Хусейнова Гулшан Хусейновна E-mail: gulshan.khuseynova@mail.ru

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан,
г. Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ **Резюме**

В данной статье представлен анализ морфологических параметров почек 3-месячных белых крыс в раннем периоде средне тяжелого повреждения спинного мозга на уровне L₁ поясничного отдела.

Ключевые слова: повреждение спинного мозга на уровне L₁ поясничного отдела, почечная капсула, почечные тельца, капсула Шумлянско-Боумана, извитые канальцы, кора и мозговое вещество почек.

**MORPHOLOGICAL INDICATORS OF THE KIDNEYS OF THREE-MONTH-OLD
WHITE RATS IN THE EARLY PERIOD OF MODERATE SPINAL CORD INJURY AT THE
LEVEL OF L₁ LUMBAR REGION**

Gulshan Khuseynovna Khuseynova E-mail: gulshan.khuseynova@mail.ru

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, Uzbekistan, Bukhara, st. A. Navoi. 1
Tel: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ **Resume**

This article presents an analysis of the morphological parameters of the kidneys of 3-month-old white rats in the early period of moderate-severe spinal cord injury at the L₁ lumbar level.

Keywords: spinal cord injury at the level of L₂ lumbar, renal capsule, renal corpuscles, Shumlyansky-Bowman capsule, convoluted tubules, renal cortex and medulla.

Долзарблиги

Дунёда фан, техник ва технология таракқиётининг жадал ривожланиши даврида турли сабаблар туфайли келиб чиқадиган жароҳатланишлар қаторида умуртқа ва орқа миянинг жароҳатланишлари, шунингдек ушбу жароҳатлар туфайли ички аъзоларда келиб чиқадиган асоратларнинг шаклланиши давлат ва жамият даражасида долзарб муаммога айланди. Бу айниқса XX аср охирида катта аҳамият касб этганлиги қатор изланишларда кўринади [8].

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, ҳозирги кунда замонавий цивилизациянинг жадал ривожланиши билан бир қаторда глобал муаммолар ҳам ошиб бормокда. Айниқса, турли йўл-транспорт ҳодисалари туфайли келиб чиқадиган умуртқа пағонаси ва орқа миянинг жароҳатланиши умумий жароҳатларнинг 0,7-6-8% ини, суяк жароҳатлари орасида эса 6,3–20,3% ини ташкил этади ва ўртача ёшдаги меҳнатга лаёқатли шахсларнинг ногиронлигига сабаб бўлади [1,7,8].

ЖССТнинг охириги маълумотларига қараганда, травматик жароҳатланишлар аҳоли ўртасида умумий ўлим ҳолатларининг сабаблари орасида учинчи ўринни эгаллайди ва 45 ёшгача бўлган меҳнатга лаёқатли ёшдаги одамлар гуруҳи биринчи ўринни эгаллайди [5].

Орқа мия жароҳатланиши (ОМЖ) олган беморларнинг кўпчилигида жароҳат жойидан пастда сезги ва ҳаракатланиш функцияларининг бузилишлари ҳамда 92% ҳолларда тос аъзолари дисфункцияси кузатилаб, меҳнатга лаёқатли ёшдаги одамларнинг доимий ногиронлигига сабаб бўлади [2].

Орқа мия жароҳатланиши олган беморларни даволаш чора тадбирлари нейрохирурглар, травматологлар, урологлар ва неврологларнинг бирга ҳамкорликда ҳамжиҳатликда ишлашини талаб этади [3,6]. Урологик асоратларнинг келиб чиқиш даражаси асосан, орқа мия жароҳатланишининг характери ва даражаси билан белгиланади. Беморларда урологик жиҳатдан бел сатҳидаги жароҳатланишида одатда орқа миянинг жароҳатининг ўткирлашган ва ўткир даврларида ўткир сийдикни чиқара олмаслик жараёни кузатилади. Бу ҳолат эса сийдик пуфаги деворларининг ҳаддан ташқари чўзилиши оқибатида юзага келади ва унда сийдикнинг кўп вақт вақт мобайнида туриб қолишига қолишига, инфекцияли жараёнининг ривожланишига ҳамда охир оқибат ярали геморрагик циститнинг ривожланишига олиб келади. Инфекцияланган сийдикнинг рефлюкси буйрак найлари орқали буйрак паренхимасининг ҳам шикастланишига ва йирингли яллиғланишли жараённинг ривожланишига сабаб бўлади. Сийдик йўллари инфекцияси, кейинчалик уросепсисга олиб келадиган умумий характерга эга инфекцион касалликнинг ривожланишига ва умуртқа поғонаси жароҳатланган беморлар ўлимнинг асосий сабаби бўлиб қолмокда. Ушбу ҳолатларнинг асосий 30-50%ини айнан сийдик айирув аъзоларидаги асоратлар ташкил қилади [4].

Бироқ ушбу муаммонинг муҳимлигига қарамасдан, турли адабиётларда орқа мия жароҳатланиши олган беморларда сийдик айирув тизими аъзоларининг дисфункциясини ўрганишга ва баҳолашга етарлича эътибор қаратилмаган, шунинг учун ҳам ушбу ҳолат орқа мия жароҳатидан кейин келиб чиқадиган ички аъзолардаги иккиламчи асоратларни ўз вақтида диагносика қилиш, даволаш ва профилактик чора тадбирларни ўтказишни талаб этади.

Тадқиқот мақсади: ўртача оғир даражадаги орқа мия L1 бел сатҳидаги жароҳатланишининг эрта даврларида 3 ойлик оқ зотсиз каламушлар буйракларининг морфологик кўрсаткичлари таҳлилий ўрганиш.

Материал ва тадқиқот усуллари

Тадқиқот учун виварий шароитида сақланган ҳар иккала жинсли уч ойлик 13 та оқ зотсиз каламушлардан фойдаланилди. Барча каламушлар стандарт вивариум шароитида ва кичик ёғоч қипиқлари солинган пластик қафасларда сақланди ва барча тадқиқотлар “Экспериментал ҳайвонлардан фойдаланган ҳолда иш олиб бориш қоидалари”га амал қилган ҳолда олиб борилди. Тадқиқотда оқ зотсиз каламушларда ўртача оғир даражадаги орқа мия жароҳати махсус ишлаб чиқилган модел асосида “баландликдан кулаш ҳодисаси” усули билан етказилди ва ушбу тадқиқот жараёнида 1 та оқ каламуш шу заҳотиёқ ҳалок бўлди. Тадқиқот учун олинган ҳайвонлар енгил изофлюран эфирли наркоз остида анестезия қилиниб, қорин бўшлиғи очилди ва буйраклари ажратиб олинди. Ажратиб олинган буйракларни кейинги гистологик текширувдан ўтказиш мақсадида, буйрақлар 10% ли нейтрал формалин эритмасига солинди. Буйрак препаратлари стандарт гистологик методлардан фойдаланган ҳолда тайёрланди. Ушбу препаратлар кейинчалик ван гизон ва метилен кўки бўёқлари билан бўялди. Препаратларнинг микроскопияси микроскопнинг катталаштирилиш масштаби $\times 60$, $\times 80$ бўлган тринокуляр микроскопда кўрилди ва тегишли фотосуратлар олинди ва

барча олинган натижалар статистик қайта таҳлил қилиб, намунавий ўртача параметрлари ҳисоблаб чиқилди.

Натижа ва таҳлиллар:

Тадқиқот гуруҳининг 3 ойлик оқ каламушлар буйраклари бел соҳасида XII- ва III-бел сигменти рўпарасида жойлашган бўлиб, қизил-жигар рангли ловиясимон шаклидаги жуфт органдир. Буйраklar ташқи томондан силлиқ ва ялтироқ капсула билан қопланган бўлиб, орқа мия жароҳати етказилганда буйраklarда макроскопик жihatдан яққол кўзга кўринарли патологик ўзгаришлар кузатилмади. Буйраklarнинг медиал қисмида дарвоза қисмини пайқашимиз мумкин.

Ўртача оғир даражадаги орқа миянинг L₁ бел сатҳидан жароҳат олган уч ойлик оқ каламушларининг тана оғирлиги - 120 гр дан 167 гр гача, ўртача - 158 гр гача оралиқда эканлиги қайд этилди.


Тадқиқот гуруҳининг 3 ойлик оқ зотсиз каламушларнинг буйраклари ўртача оғир даражадаги орқа миянинг L₁ бел сатҳидан жароҳат олгандан кейинги ўткир даврида яъни 14 кун ўтгач, органометрик параметрларининг динамикаси куйидагича бўлди: абсолют вазни – 706,4 мг дан 988,24 мг гача, ўртача – 850,48±34,5 мг; узунлиги – 18,47 мм дан 21,2 мм гача, ўртача – 19,84±0,26 мм; кенлиги - 7,48 мм дан 9,94 мм гача, ўртача – 8,87±0,24 мм; қалинлиги - 7,8 мм дан 9,81 мм гача, ўртача – 9±0,21 мм; ҳажми – 664,64 мм³ дан 1003,4 мм³ гача, ўртача – 830,56±37,15 мм³ га тенг эканлиги қайд этилди.

Гистологик нуқтаи назардан, ўртача оғир даражадаги орқа миянинг L₁ бел сатҳидан жароҳат олгандан кейин 14 кун ўтгач, каламушлар буйраги пўстлоқ қаватининг морфологик ва морфометрик кўрсаткичларида куйидаги ўзгаришлар рўй берди: буйрак таначаларининг майдони – 1212,6 мкм² дан 3535,46 мкм² гача, ўртача – 2680,39±143,95 мкм²; қон томир қоптоқчасининг майдони – 1808,7 мкм² дан 2555,55 мкм² гача, ўртача – 2207,73±84,32 мкм²; капсула бўшлиғининг майдони – 430,6 мкм² дан 500,62 мкм² гача, ўртача – 470,94±8,47 мкм² га тенг бўлди.

Проксимал эгри-бугри каналчаларнинг диаметри 29,52 мкм дан 57,1 мкм гача, ўртача – 39,51±2,56 мкм га, улар каналчалари бўшлиғининг диаметри – 22,13 мкм дан 39,27 мкм гача, ўртача – 31,01±1,86 мкм ни ташкил этди.

Дистал эгри-бугри каналчаларнинг диаметри – 26,2 мкм дан 38,8 мкм гача, ўртача – 33,48±1,29 мкм га, улар каналчалари бўшлиғининг диаметри – 17,8 мкм дан 29,8 мкм гача, ўртача – 25,66±1,26 мкм ни ташкил этди.

Макроскопик томондан ўртача оғир даражадаги орқа мия L₁ бел сатҳидан жароҳати оқибатида буйраklarда бир оз шиш борлиги аниқланди бироқ, бошқа ташқи томондан кўзга яққол намоён бўлувчи ўзгаришлар кузатилмади.




1-расм. Тадқиқот гуруҳининг ўртача оғир даражадаги орқа мия L₁ бел сатҳидан жароҳатининг эрта даврида 3 ойлик оқ каламушлари буйрагининг пўстлоқ моддаси (Ван Гизон билан бўялган).

ОК 10 х ОБ 20. 1-буйрак пўстлоқ қавати проксимал эгри-бугри каналчалар периметри бўйлаб суст ривожланган ривожланган коллаген толалар, 2- буйрак пўстлоқ қавати дистал эгри-бугри каналчалар периметри бўйлаб суст ривожланган ривожланган коллаген толалар, 3- котокчалар периферияси бўйлаб ривожланаётган коллаген толалар.)

Гистологик текширув шуни кўрсатдики, ўртача даражадаги орқа мия L₁ бел сатҳидан жароҳати оқибатида буйракларнинг структур тузилишида яққол намоён бўлувчи бир қатор ўзгаришлар юз берди. Препаратларни Ван Гизон бўёғи билан бўйлаб орқали коллаген толаларнинг ривожланганлиги даражасини кўришимиз мумкин. Чунончи, ўртача оғир даражадаги орқа мия L₁ бел сатҳидан жароҳати оқибатида тадқиқот гуруҳ оқ каламушлари буйрагининг пўстлоқ қавати нефрон элементларидаги ўзгаришлар интенсивлиги, меъёрий кўрсаткичларга нисбатан кўп миқдорда коллаген толаларнинг шаклланиш жараёнининг давомийлигига боғлиқ бўлиб, кўпгина ҳолларда Ван Гизон бўёғи билан бўйланган препаратларда буйрак тўқимасининг стромасида тўқ пушти рангли дағал толали тузилмалар аниқланди. Коптокча, вена қон томирлари, проксимал ва дистал каналчалар периметри бўйлаб сийрак толали тузилмалар атрофида майда такомиллашиб бораётган сийрак толали тузилмалар ҳам аниқланди. Бундай ҳолат эса стромада фибробластлар томонидан уч типдаги коллаген синтезининг кучайганлигидан далолат беради. Натижада проксимал ва дистал эгри-бугри каналчалар базал қавати атрофида қалинлашган дағал толали тузилмалар реабсорбция жараёнидаги қайта сўрилаётган бирламчи сийдикнинг периканаликуляр соҳадаги томирларга ўтишига тўсқинлик қилишини кўрсатади (1-расм).

Гистокимёвий усуллардан бири бўлган алциан кўки бўёғи орқали олинган маълумотлар таҳлили бўйича, буйрак пўстлоқ қавати коптокчалари ажойиб тўр чигалида периваскуляр соҳаларида, проксимал ва дистал эгри-бугри каналчалар атрофида нордон мукополисахаридларнинг фокусда тўпланганлиги аниқланди. Бу ўзгаришлар нордон мукополисахаридларни периваскуляр соҳада тўпланиши ва гипоксия жараёнининг содир бўлаётганлигининг морфофункционал белигиси ҳисобланади (2-расм).



2-расм. Тадқиқот гуруҳининг ўртача оғир даражадаги орқа мия L₁ бел сатҳидан жароҳатининг эрта даврида 3 ойлик оқ каламушлари буйрагининг пўстлоқ моддаси (Альциан кўки билан бўйланган. ОК 10 х ОБ 20. 1-дистал эгри-бугри калавасимон каналчалар атрофида ва эпителийларида нордон мукополисахаридларнинг тўпланган ўчоқлари, 2- проксимал эгри-бугри калавасимон каналчалар эпителийларида мултифокал некроз ўчоқлари.)

Хулоса

Шундай қилиб, макроскопик жиҳатдан тадқиқот гуруҳи оқ зотсиз каламушлар буйрагида бир ош шиш борлиги аниқланди. Макроскопик жиҳатдан аъзонинг бир оз шиши борлигидан ташқари бошқа яққол кўзга кўринарли ўзгаришлар келиб чиқмаган бўлса-да, аммо гистологик жиҳатдан ўртача оғир даражадаги орқа мия жароҳатланиши олгандан кейин 14 кундан кейин оқ каламушлар буйрак нефрон элементларидаги ўзгаришлар яққол намоён бўлди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Акшулаков, С. К. Эпидемиология травм позвоночника и спинного мозга / С. К. Акшулаков, Т. Т. Керимбаев // Материалы III съезда нейрохир. Рос.-СПб., 2002: 182 стр.
2. Белашкин И. И. Ультразвуковая диагностика патологии мочевого пузыря при позвоночной травме: авторефканд. мед. наук. М., 2008. 24 стр.
3. Драгун, В. Хирургическое лечение травматических повреждений средне- и нижнестебельных позвонков / В.М. Драгун // Травматология и ортопедия России. 2008;3:82-83.
4. Лоран О.Б., Синякова Л.А., Косова И.В., Охриц В.Е. Ошибки в диагностике и лечении рецидивирующих инфекций нижних мочевых путей у женщин. М.: «РАН Групп», 2010; 31 стр.
5. Хорошилова А.С., Землянский Д.Ю. Проблемы судебно-медицинской оценки травматической болезни при политравме // Избранные вопросы судебно-медицинской экспертизы. — Хабаровск, 2020;19:121-126.
6. Шпаченко Н.Н., Климовицкий В.Г., Стегний С.А. и др. Особенности медицинской помощи и прогноз исходов при позвоночно-спинномозговой травме в догоспитальном этапе. Материалы научн. конф. посвящ. 40-летию отделения патологии позвоночника «Хирургия позвоночника - полный спектр». М. 2007; 336-339 стр.
7. Шпаченко Н.Н., Климовицкий В.Г., Стегний С.А. и др. Особенности медицинской помощи и прогноз исходов при позвоночно-спинномозговой травме в догоспитальном этапе. Материалы научн. конф. посвящ. 40-летию отделения патологии позвоночника «Хирургия позвоночника - полный спектр». М. 2007; 336-339 стр.
8. Morozov I.N., Mlyavukh S.G. The epidemiology of vertebral-cerebrospinal trauma (review). Medical almanac 2011;4(17):157-9. Russian (Морозов И. Н., Млявых С. Г. Эпидемиология позвоночно-спинномозговой травмы (обзор). Медицинский Альманах 2011;4(17):157-9.

Қабул қилинган сана 20.02.2026